

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 22

12 сентябрь 2022 йил

Бағдод шаҳарчаси.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи **Бағдод туман Ободонлаштириш бошқармаси** бошлиғи **И.Боймирзаев** (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи "MASTER VOY" МЧЖ номидан раҳбар **М.Мўсаев** (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

- 1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га қарашли **Бағдод тумани Самандарак МФЙ** ҳудудига **ичимлик суви қазииш** ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета ҳужжатларига мос ҳолда «Буюртмачи» томонидан жорий таъмирлаш ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр ҳолда ўз муддатида «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «Пудратчи» иш бажариш вақтида жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз ҳисобидан ўзи таъминлайди.
- 1.4 «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини 30 кунда тамомлаш мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан қилинган ишлар яқунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул қилиб олади.

2. ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

- 2.1 Шартноманинг умумий баҳоси **566 793 669 (Беш юз олтмиш олти миллион етти тўқсон уч минг олти юз олтмиш тўққиз)** сўмни ташкил қилади.
- 2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» ҳисоб рақамига олдиндан 30% аванс тўловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тўлов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сўнг 5 кундан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1 «Пудратчи» Ушбу шартномани 1-булимида назарда тутилган ишларни шартнома Ҳазначилик бўлими рўйхатдан ўтказилгандан кундан 30 кун муддатда бажаради.
- 4.2 Ушбу шартнома 12.09 2022 йил 31.12.2022 йилгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ҳазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳар иккиси ҳам қонуний кучга эга.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 «Пудратчи».
 - 5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «Буюртмачи» га меърий ҳужжатлар талабига ва қоидалари асосида топшириш;
 - 5.1.2 Обектга лойихага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;
 - 5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
 - 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва обектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
 - 5.1.5 Обект сугуртасини амалга ошириш ;

5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларинида назорат органлари томонидан текширишда ортиқча қилинган харажатлар аниқланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.

5.2 «Буюртмачи»

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажмни топшириш;

5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га ҳақ тўлаш;

5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бўлганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома баҳосининг 0,5 % ҳисобида пеня тўлайди, лекин шартноманинг 2,1 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қўшиб қурган зарарни қоплайди.

6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф этишдан озод этмайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

7.2. «Истеъмолчи» «Ўтказиб берувчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Ўтказиб берувчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши тоинларнинг тасири ва истакларига боғлиқ бўлмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити ҳукумат тадбирлари ҳокимият органлари қарорлари, ҳарбий низолар ички тартибсизликлар) ва бошқа ҳолларла юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади .

8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

8.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида (5 кун ичида) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди .

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

9.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба хўжалик судида кўрилиши лозим бўлади.

10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартнома ҳар қандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб ҳар икала томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

10.2. «Буюртмачи» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.

10.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.

10.3. «Пудратчи» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:

10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиҳа ҳужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолда ишларни баҳоси 50% кунига камайганда.

10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик қурилиш, молиялаш имконияти йўқотилганда.

10.4. «Буюртмачи» «Пудратчи» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар ҳажми қийматини тўлайди.

10.5. Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

11. БОШҚА ШАРТЛАР



11.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.

11.2. Хар икала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАДЧИ

| БАҒДОД ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ | "MASTER BOY" МЧЖ |
|---|--|
| Манзил: Бағдод шаҳарчаси Оқ олтин кўчаси | Манзил: Фарғона шаҳар Янги Аср кўчаси 162 |
| Тел./факс: | Тел./факс: 90-179-5246 |
| ШХР: 401722860302097065200110003 | ИНН: 302 294 693 |
| Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204 462 224 | ОКПО: 61124 |
| ОКОНХ: 90211 | ХР: 20208000904979248001 |
| Газначилик номи: Бағдод тумани бўйича газначилик булинмаси | МФО: 01037 Қишлоқ қурилиш банк Фарғона филиали |
| Газна х/в: 23402000300100001010 | |
| Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. БХЖКМ | |
| МФО: 00014 | |
| Газначилик СТИРи: 201122919 | |
| Раҳбар  И.Бошмирзаев | Раҳбар  М.Мусаев |



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUIJATLARNING
QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI
TO'G'RISIDA XULOSA**

1. **Loyihaning turi - Shartnoma.**
2. **Loyihaning nomi – Bag'dod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va “MASTER BOY” MCHJ o'rtasidagi 566 793 669 so'mlik pudrat shartnomasi.**
3. **Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot-**
Bag'dod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 12-sentabr kuni markazga taqdim etilgan.

Loyiha Fuqarolik kodeksi va “Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi qonuni talablari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti:



E.Botirov

ТАСДИҚЛАЙМАН

**Бағдод туман Ободонлаштириш
бошқарма бошлиғи И.Боймирзаев**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13-апрельдаги "бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бағдод туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 26.08.2022 йил кунги № 22110012143800 сонли лот билан Бағдод тумани Самандарак МФЙ худудига ичимлик суви қазиш ишларини бажариш учун ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида йиғилиш

БАЁНИ № 8

Раислик қилувчи: комиссия раиси:

И.Боймирзаев

Қатнашдилар:

Д.Абдурахмонов

Қ.Юсубжонов

И.Дусматов

С.Жабборов

А.Зокиров

Энг яхши таклифни танлаб олиш учун келиб тушган таклифлар:

1. Янги Қурилиш Фарғона хусусий корхонаси
2. Шухратжон хусусий фирмаси
3. Мастер Бой МЧЖ

Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:

Кун тартибидаги масала юзасидан Бағдод тумани Самандарак МФЙ худудига ичимлик суви қазиш ишларини бажариш учун ўтказилган электрон эълонга раислик қилувчи И.Боймирзаев сўзга чиқиб, ушбу эълон Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва ҳаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонуний 62- модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилишини ҳамда шартнома имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида Давлат харидлари электрон тизимида жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайати:

Қарор қилади:

1. Муҳокама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб “Мастер Бой” МЧЖ йиғилиш хайати томонидан ғолиб деб эълон қилсин.
2. Ғолиб деб топилган қатнашчи “Мастер Бой” МЧЖ билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномалар расмилаштириб, туман Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилсин.

Қатнашдилар:



Д.Абдурахмонов



Қ.Юсубжонов



И.Дусматов



С.Жабборов



А.Зокиров